

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 25-декабрдаги ПҚ-455-сонли Қарорининг 7-иловасига асосан, Транспорт вазирлигида ривожлантириш дастурлари ва бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларининг 2025-йил 1-чорак ижросини баҳолаш юзасидан ўтказилган аудит тадбирлари якуни бўйича
Ҳ И С О Б О Т И

10.04.2025-йил

Тошкент шаҳри

I. Умумий маълумотлар.

Назорат тадбири учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2025-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-455-сонли Қарори ҳамда Транспорт вазирлигининг (Кейинги ўринларда-Вазирлик) 2025-йил 13-январдаги 5-сонли буйруғи.

Назорат тадбири мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 25-декабрдаги ПҚ-455-сонли Қарорининг 7-иловаси 9-бандида Транспорт вазирлиги томонидан бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ 5 та мақсадли индикаторларининг 2025-йил 1-чорак бажарилиши юзасидан баҳолаш.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 25-декабрдаги ПҚ-455-сонли Қарори билан Транспорт вазирлиги учун тасдиқланган мақсадли индикаторларнинг 2025-йил 1-чорак ижроси юзасидан оъраниш Вазирлик марказий аппаратининг Молия-иқтисод ва тариф бошқармасининг ҳамда тегишли таркибий тузилмалари ва улар томонидан тақдим қилинган маълумотлари асосида баҳоланди.

Вазирликнинг 2025-йил учун ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга **жами 6 713,7 млрд сўм** маблағ режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағлар **5 та** йўналиш бўйича сарфланиши режалаштирилган, хусусан:

Дастур номи: Авиаташувчиларга маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун чипта нархининг бир қисmini қоплаш учун субсидияларга (9.1-банд) – **63,7 млрд сўм;**

Дастур мақсади: Республика аҳолисининг хаво транспортидаги фаоллигини, шунингдек, ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш, авиақатновларнинг оммабоплигини ошириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш учун қўшимча қулайликлар яратиш

Дастур номи: темир йўл ва авиаташувчилар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшовчи пенсионерлар, нафақа олувчилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга 50 фоизлик имтиёз билан сотилган чипталар зарарини қоплаш учун субсидияларга (9.2-банд) – **20 млрд сўм;**

Дастур мақсади: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, пенсия ва нафақа олувчилар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Дастур номи: Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича қўрилган зарарларни қоплаш харажатларига (9.3-банд) – 1,7 млрд сўм.

Дастур мақсади: Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспортида аҳолига мақбул нархларда авиакатновларни йўлга қўйиш.

Автомобил йўллари қўмитаси бўйича:

Дастур номи: Автомобил йўллари, кўприklar ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш дастури 9.4-банд) - 2 500 млрд сўм.

Дастур мақсади: халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, замонавий автомобил йўлларини қуриш, йўл ҳаракати қулайлиги ва хавфсизлигини ошириш.

Дастур номи: Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини таъмирлаш, эксплуатация қилиш ҳамда табиий офат оқибатларини бартараф қилиш ва олдини олиш (9.5-банд)- 3 680 млрд сўм.

Дастур мақсади: умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини ошириш, йўллардан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, табиий офат оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш.

II. Натижа кўрсаткичларининг бажарилиши.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли қарорга биноан “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан белгиланган маҳаллий йўналишларда Махсус комиссия томонидан белгиланган нархда яъни 25 фоиз арзонлаштирган тарзда барча тежамкор («есопом») хизмат кўрсатиш тоифаси бўйича авиа чипталарни реализация қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада Маҳаллий авиакатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-412-сон қарорнинг 2-бандига мувофиқ Республикада ички туризми ривожлантириш, йўловчиларга арзон нархларда авиаташув хизматларини кўрсатиш ва авиакомпаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпанияларига ички туризм йўналишларидаги авиакатновлар учун авиа чипта нархининг 25 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан субсидия ажратиш муддати 2026 йил 1 январга қадар узайтирилиши белгиланган.

Ушбу мақсадларга давлат бюджетидан 2025 йилда 63,7 млрд сўм, шундан I-чорак учун 9,2 млрд сўм кўзда тутилган.

Транспорт вазирлигига “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан ички туризм йўналишларидаги авиақатновлар учун авиа чипта нархининг 25 фоизи миқдорида амалга оширилиши муносабати билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш бўйича 2024-йил октябрь-декабрь ойлари учун жами **27,6 минг** нафар йўловчиларга **3,1 млрд сўм** миқдорида маблағга мурожаати келиб тушган, ўрнатилган тартибда вазирлик ишчи гуруҳи томонидан мазкур маблағларни қоплаб беришга қарор қабул қилинган ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига **3,1 млрд сўм** миқдорида маблағга буюртманома киритилган. Ушбу маблағларни ташувчига 2-чоракда молиялаштириш кутилмоқда.

9,2 млрд сўм маблағ 1-чоракда молиялаштирилмаган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-213 сонли фармон 11-бандида, Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш йўналиши доирасида 2022 йил 15 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида истиқомат қилаётган ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун темир йўл ва авиайўловчилар чипталарини сотиш 50 фоизлик имтиёзли тарифлар бўйича амалга оширилиши ҳамда йўловчи ташувчи компанияларнинг ушбу имтиёз тақдим қилиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланган.

Ушбу мақсадларга давлат бюджетидан 2024 йилда **20 млрд сўм**, шундан I-чорак учун **4,8 млрд сўм** кўзда тутилган.

Транспорт вазирлигига, мазкур қарор бўйича чипталарни 50 фоизлик имтиёзли тарифларда сотилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш бўйича “Ўзтемирйўловчи” АЖ томонидан 2024-йил декабрь, 2025 йил январь, февраль ойлари учун 41,1 минг нафар шахсларга жами **4,0 млрд сўм**, “Uzbekistan Helikopters” МЧЖ томонидан 2024 йил декабрь ойи учун 7 нафар шахсларга жами **3,3 млн сўм** миқдорида маблағга мурожаатлар келиб тушган. Шундан, **4,0 млрд сўм** миқдорида маблағ “Ўзтемирйўловчи” АЖга, **3,3 млн сўм** миқдорида маблағ “Uzbekistan Helikopters” МЧЖга қоплаб берилган.

847 млн сўм маблағ 1-чоракда молиялаштирилмаган.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 293-Ф сонли фармонига биноан Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни қоплаб берилиши белгиланган.

Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспорти қатнови бўйича кўрилган зарарларни давлат бюджетидан қоплашга 2024 йилда **1,7 млрд сўм**, шундан I-чорак учун **346 млн сўм** кўзда тутилган.

“Нумо Air” МЧЖ томонидан Фарғона шаҳридан Сўх туманига кичик авиация транспортида қатновлар амалга оширилиши муносабати билан ва амалдаги харажатлардан келиб чиқиб, ҳисоб-китобларга биноан 2024 йил декабрь,

2025 йил январь, февраль ойлари давомида 30 дона авиақатновларда 229 нафар йўловчи ташилган бўлиб, жами **83,9 млн сўм** миқдоридаги зарарларни қоплаб бериш бўйича мурожаати келиб тушган. Шундан, **83,9 млн сўм** миқдорида маблағ ташувчига қоплаб берилган.

262,1 млн сўм маблағ 1-чоракда молиялаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-454-сонли қарори 16-иловасига мувофиқ Темир йўл транспорт ва метрога ажратилган маблағлар бўйича:

4. Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 24-декабрдаги “2025 - 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-454-сонли қарори 16-иловасига мувофиқ метрополитеннинг янги қурилиш, махсус техника ва ускуналар харид қилиш лойиҳаларига ажратилган лимит билан 2025-йил учун тасдиқланган **150,0 млрд сўм** маблағи бўйича:

“Тошкент шаҳридаги метро халка линияси ташки электр таъминотини қуриш” лойиҳасига – **16,0 млрд сўм.**

Чилонзор йуналишининг “Пахтакор” бекатидан Ўзбекистон йуналишининг “А.Навоий” бекатига ер ости йўловчилар ўтиш йўлагини қуриш” лойиҳасига – **28,5 млрд сўм.**

“Хизмат муддати угаб булган СП-6 БМ, СП-6М русумли курсаткичли электр утказгичларни (электр привод) алмаштириш” лойиҳасига – **2,6 млрд сўм.**

“Тунги вақтда технологик ишларни бажариш учун замонавий АГМ русумидаги автомотрицани (мотодрезина) янгисига алмаштириш” лойиҳасига - **21,6 млрд сўм.**

“Метро вагонлари гилдиракларини чархловчи токарлик дастгоҳини харид қилиш” лойиҳасига - **14,0 млрд сўм** тақсимланган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2025 йил 9-апрелдаги хатига асосан 2025 йил учун тасдиқланган манзилли рўйхатларнинг капитал қўйилмалари солиштириб чиқиши натижасида, бугунги кунда **жами 96,3 млрд сўм** маблағ тақсимланмаган шундан, янги қурилиш, жиҳозлаш, махсус техника ва ускуналар харид қилиш лойиҳаларида **29,1 млрд сўм** ва кредитор қарздорликларни қоплашга **67,3 млрд сўм.** Ушбу маблағларни лойиҳаларни жиҳозлаш, харид қилиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва 5 фоизлик кредитор қарздорликни қоплаш учун қайта тақсимлашга Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси муҳокамасига киритилиши сўралган.

Юқоридаги лойиҳалар бўйича тақсимланган пул маблағлари 1-чорак давомида сарфланмаган.

III. Таклифлар.

1. Авиаташувчилар томонидан субсидия ажратиш юзасидан маълумотлар ва аризалар молиявий йилнинг ўзида тўлиқ тақдим этилмаслигини инобатга олиб

ҳамда субсидия ажратиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Транспорт вазирлиги томонидан темир йўл ва авиаташувчиларга субсидияларни ажратиш тизимини рақамлаштириш лозим.

Шунингдек, "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ларнинг чипталар сотилиши бўйича мавжуд дастурий таъминотларини вазирликнинг **Ситуацион маркази** билан интеграция қилиш.

Натижада, субсидиялар ажратиш бўйича электрон дастур (тизим) темир йўл ва авиаташувчиларнинг чипталарни сотиш бўйича мавжуд электрон тизимларига интеграция қилиниши орқали ортиқча бюрократик жараёнларга чек қўйилиб, ҳисоб-китоб жараёнларини автоматик равишда олиб борилишига имконият яратилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 24-декабрдаги "2025 - 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-454-сонли қарори 16-иловасига мувофиқ ажратилган маблағлар юзасидан қилинган ишлар юзасидан ҳар ойда **Ситуацион марказга** маълумот киритиб бориш.

3. 1-чорак давомида мақсадли индикаторлар учун ажратилган пул маблағларидан **жами 10,3 млрд сўм маблағ молиялаштирилмаган**. Ушбу молиялаштирилмаган пул маблағларни Молия-иқтисод ва тариф бошқармаси томонидан берилган таклифга асосан қайта тақсимлаш ёки Республика бюджетига мақбуллаштириш чораларини кўриш лозим.

Ички аудит хизмати
бош мутахассиси



Н.Чўлиев



2024 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2025-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат булжети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-455-сонли Қарорига асосан мақсадли индикаторлар учун ажратилган маблаглар ва уларнинг мақсадли сарфланиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

01.04.2025 йил ҳолатига

Харжатлар номи	2025 йилда жами ажратилган маблаг	Шундан 1-чорак учун ажратилган маблаг	1-чоракда молиялаштирилган маблаг	01.04.2025 йил ҳолатига қолдиқ маблаг
ЎЗР ВМ 07.06.22й. 293-Ф Фармойиши 2-бандига асосан Фарғона-Сўх йўналиши бўйича	1 700 000 000,00	346 000 000,00	83 866 410,00	262 133 590,00
ЎЗР Президентининг 31.08.22й. 213-сон фармони 11-бандига асосан ҚР ва Хоразм вилоятидан йўловчи ташуви темир йўл чипталарини 50 % имтиёзли тарифлар бўйича	20 000 000 000,00	4 872 000 000,00	4 024 980 972,00	847 019 028,00
ЎЗР ВМ 24.02.21й. 100-сон қарори 5-илоvasи 3-бандига асосан авиаташувчиларга ички туризм йўналишларида авиакатновларда авиа чипта нархи 25 % бўйича	63 700 000 000,00	9 242 000 000,00		9 242 000 000,00
Жами	85 400 000 000,00	14 460 000 000,00	4 108 847 382,00	10 351 152 618,00